

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АЗИЗХОН ДИЛШОДОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ахмедов Азизхон Дилшодович

Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни

тақомиллаштириш..... 5

Akhmedov Azizkhon Dilshodovich

Improvement of Legal Regulation of Innovative Activity..... 29

Ахмедов Азизхон Дилшодович

Совершенствование правового регулирования инновационной

деятельности..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АЗИЗХОН ДИЛШОДОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu51 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати **уч тилда (ўзбек, рус, инглиз)** Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи:

Гулямов Саид Саидахарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насриев Илхом Исмоилович
юридик фанлар доктори, доцент

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна
юридик фанлар доктори, доцент

Рахмонкулова Нилуфар Ходжи-Акбаровна
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Олий ўқув курслари

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» декабрь соат __:__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (835 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» декабрда тарқатилди.

(2017 йил «__» декабрдаги 3 рақамли реестр баённомаси).

З.Н.Эсанова

Илмий даражани берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Н.С.Салаев

Илмий даражани берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

Н.Ф.Имомов

Илмий даражани берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги пайтда илмий-техникавий тараққиётнинг асосини ташкил қилувчи нанотехнологиялар, биотехнологиялар, ген инженерияси, «сунъий интеллект» ва бошқа истиқболли инновацион фаолият натижаларининг компьютер технологиялари, телекоммуникациялар, тиббиёт ва транспорт каби соҳаларга кенг татбиқ этилиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2015 йилда жаҳон миқёсида 2,9 млн. та ихтироларга патент олиш учун талабнома берилган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 7,8% га ошган¹. Шу билан бирга иқтисодиёти ривожланган давлатлар олдида инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, инновацияларни тижоратлаштириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатларида инновацион муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш йўналишларини белгилаш борасида «Европа-2020» Стратегияси ишлаб чиқилди, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларига (ИТТКТИ) оид ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи Фраскати қўлланмаси ҳамда инновацияларни баҳолашнинг ҳуқуқий мезонларини аниқлаш бўйича Осло қўлланмаси қабул қилинган.

Жаҳонда инновацион фаолият ва уни самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида мазкур жараёни такомиллаштириш, янги техника ва технологияларни яратиш ва жорий этишнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, инновацион фаолиятга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инновацияларни тижоратлаштиришнинг янада самаралироқ механизмларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва тизимлаштириш, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларни яратиш ва кенг жорий этиш жараёнларига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган ишлар натижасида мазкур соҳани муайян даражада ривожлантиришга эришилди. Ушбу йўналишда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари ташкил этилди, давлат бошқаруви институтлари қайта ташкил этилди, инновацияларни яратиш учун шарт-шароитлар яхшиланди ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва

¹ IP Facts and Figures // <http://www.wipo.int/ipstats/en/charts/ipfactsandfigures2016.html>.

илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш¹ мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги (2002), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги (2006) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида»ги (2017) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, Yale Law School, Harvard Law School, Stanford University, Massachusetts Institute of Technology, Boston University School of Law, University of California Irvine School of Law, University of Texas School of Law (АҚШ); Tilburg Law School, University of Amsterdam (Голландия); European Corporate Governance Institute (Бельгия); Санкт-Петербург давлат университети, Интеллектуал мулк республика илмий-тадқиқот институти (Россия); Тошкент давлат юридик университети, шунингдек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масаласида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: инновацион фаолиятда корпоратив

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.law.yale.edu, www.hls.harvard.edu, www.stanford.edu, www.web.mit.edu, www.ssrn.com, www.universiteitleiden.nl, www.tilburguniversity.edu, www.ecgi.org, www.msu.ru, www.law.uci.edu, www.bu.edu/law, www.rniis.ru, www.spbu.ru, www.tsul.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

бошқарув, венчур капитали ва оилавий тадбиркорликнинг ўзаро боғлиқлиги очиб берилган (University of Amsterdam, Tilburg Law School (Голландия); инновацион фаолиятни ривожлантиришда акциядорлик жамиятларининг роли аниқлаштирилган (Boston University School of Law, Massachusetts Institute of Technology, Yale Law School, Harvard Law School, Stanford University (АҚШ); инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишда «рақамли» муаллифлик ҳуқуқининг компонентлари ишлаб чиқилган (University of California Irvine School of Law, University of Texas School of Law (АҚШ); корпоратив бошқаруви субъектларида инновацияларнинг ҳуқуқий муҳофазасига салбий таъсир қилувчи омиллар очиб берилган (European Corporate Governance Institute (Бельгия), Санкт-Петербург давлат университети, Интеллектуал мулк республика илмий-тадқиқот институти (Россия); инновацион ривожланишни таъминлашда интеллектуал мулк ҳуқуқи институтлари таъсири самарадорлигини ошириш механизмлари ишлаб чиқилган (Тошкент давлат юридик университети); инновацион технологияларни трансфери муаммолари (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети) очиб берилган.

Дунёда инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инновацияларга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларининг халқаро унификациясини таъминлаш; инновацияларни тижоратлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш; инновацион фаолиятни амалга оширишда интеллектуал мулк объектлари эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг у ёки бу жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан – Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, С.С.Гулямов, Н.Ф.Имомов, И.И.Насриев, И.Р.Рустамбеков, Б.Н.Тошев, Л.Х.Ташпулатова, В.Д.Юсупов, Б.Р.Болиев ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда инновацион фаолиятга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бунда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг назарий масалалари Й.Шумпетер (Австрия), К.Фримен (Буюк Британия) томонидан, интеллектуал мулк ҳуқуқини стандартлаштириш масалалари Mark A. Lemley (АҚШ) томонидан, инновацион фаолият соҳасида юзага келган низоларни судларда ҳал қилиниши билан боғлиқ муаммолар Mark A. Lemley, R. Anthony Reese (АҚШ) томонидан, инновацион компанияларда (венчур капитали катнашган «старт ап») инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Joseph A. McCahery, Erik P.M. Vermeulen (Голландия) томонидан, инновация ва муаллифлик ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро алоқалари ва зиддиятлари Michael A. Carrier (АҚШ) томонидан, инновацион фаолиятнинг

фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий жиҳатлари М.В.Волинкина, О.И.Худокормова, В.Н.Круглов, С.Г.Алексеев, А.Н.Чегодаева, П.В.Селезневлар (Россия) томонидан ўрганилган¹.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари асосан инновацияларга оид ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида турлари ва жиҳатларига бағишланган бўлиб, комплекс ҳуқуқий тартибга солишни ёритишга қаратилмаган. Шу сабабли инновацион фаолиятда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» ва «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновация ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш ҳамда уларга тавсиф бериш;

инновацион фаолият субъектларининг, шу жумладан технопаркларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

инновацион фаолиятга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қонун қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар бериш;

инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

инновацион фаолиятни амалга оширишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг ечимини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимояси, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш технопарк бошқаруви органининг асосий вазифа ва функциялари эканлиги асосланган;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари кўринишидаги инновацион фаолиятга Фуқаролик кодексининг пудрат шартномаларига оид нормаларининг қўлланилмаслиги асосланган;

инновацион фаолиятга оид шартномаларда мажбуриятларни тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги хавфи кредиторнинг зиммасига тушиши тўғрисидаги таклиф асосланган;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ЭХМ учун дастурлар ёки Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид қоидаларига мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза этиладиган интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларини ягона технология таркибига киритишнинг янги ҳуқуқий институти асосланган;

давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларни давлат гранти шартномаларининг тарафлари ўртасида тақсимлаш ҳамда тижоратлаштириш ҳақида шартларни кўзда тутиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларига оид ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши самарадорлигини янада оширишга, инновацион фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни мазкур субъектлар ўртасида оқилона тақсимлаш бўйича махсус тамойиллар тизими шакллантирилган ва уларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

қонунчилик ҳужжатларида ташкил этилиши кўзда тутилаётган янги технопаркларнинг ҳуқуқий ҳолатини унификациялаштиришга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқишга доир тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

республикамизда инновацион фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳани ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрганиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаш мақсадида «Инновация ҳуқуқи» янги комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида асослантирилган;

давлат илмий-техникавий дастурларда иштирок этаётган инновацион фаолият субъектлари томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларини

тижоратлаштиришга бўлган ҳуқуқларни амалга оширишни назарда тутувчи шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион фаолиятни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ташкил этилаётган инновацион технопаркнинг бошқарув органининг вазифа ва функцияларини аниқлаштириш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ–5068-сон Фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги АД-4-8/20-226–сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар технопаркнинг интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш соҳасида консалтинг, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга кўмаклашиш, инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги ваколатларини такомиллаштиришга хизмат қилади;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажаришда пудрат шартномаларига оид қонун нормаларини чекланган доирада қўллаш, ягона технология таркибидаги интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, технопаркларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш тўғрисидаги таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим

қонун ҳужжатларига инновацион фаолиятни такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси 2016 йил 10 майдаги 04/2-03-259-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади;

давлат илмий-техникавий дастурларда иштирок этаётган инновацион фаолият субъектлари томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришга бўлган ҳуқуқларни амалга оширишни назарда тутувчи намунавий шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилиб, давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси (ФТРМК) 2016 йил 25 октябрдаги ФТҚ-0413/712-сон маълумотномаси). Мазкур намунавий шартнома шартлари инновацион фаолиятни амалга оширишда қатнашувчи субъектлар (муаллифлар)нинг яратилган инновацияларга бўлган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмӣ анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 11 та республика илмӣ-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмӣ иш, жумладан, 1 та монография, 29 та мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Докторлик диссертацияси кириш, 11 та параграфни қамраб олган 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 240 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмӣ-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмӣ-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмӣ янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи

бобида инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда инновациялар илмий жиҳатдан таснифланган.

Инновацияларнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан очиқ бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Илгари ҳуқуқ назарияси фани доирасида инновациялар, энг аввало, иқтисодий категория сифатида қаралган бўлса, сўнгги пайтда улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари қаторига киритилмоқда. Таъкидлаш керакки, «инновация» атамаси фанга илк бор австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, инновацияни тадбиркорлик фаолиятида фойда оладиган восита сифатида эътироф этади. Шунингдек, инновациялар, деганда янги турдаги истеъмол товарлари, янги ишлаб чиқаришлар, транспорт воситалари, бозорларни ва ишлаб чиқаришда ташкил этиш шакллари амалга жорий этиш ва қўллаш мақсадида амалга оширилган ўзгартиришлар тушуниланган. Бундан ташқари, айрим манбаларда «инновация» интеллектуал фаолият натижаларини ёки янги технологияларни фуқаролик муомаласига татбиқ этиш жараёни эканлиги кўрсатилган¹. Шунингдек, «инновация» тушунчасига берилган илмий-назарий таърифлар таҳлили унинг мазмунини янгилик, ҳамда инновацион фаолиятнинг асосий функцияси эса ўзгартириш киритиш эканлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, инновация бозор муносабатларига киритилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув кўринишида ифодаланади.

Мазкур таърифлар инновацияларнинг ҳуқуқий моҳиятини тўлиқ очиқ бермаганлиги сабабли, «инновация» тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи шакллантирилди: «инновация – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология, янги хизматларни фуқаролик муомаласига татбиқ этиш ёки ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш жараёни, ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа характердаги янги ташкилий-техникавий ечим».

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, «инновациялар» ва «инновацион фаолият»нинг фуқаролик тизимидаги ўрнини аниқлашда илмий мунозаралар интиҳосига етгани йўқлиги сабабли уларни комплекс илмий-назарий тадқиқ этиш келажакда муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, юқорида берилган инновацияга муаллифлик таърифини тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Инновацион фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик таҳлили мамлакатимизда инновацион, шу жумладан илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик фаолияти комплекс тарзда тизимлаштирилган ягона ҳуқуқий асосга эга эмаслигини кўрсатмоқда. Шу аснода таъкидлаш жоизки, қонунчиликда ҳанузгача «инновация» ҳуқуқий категорияга киритилмаган, яъни, қандай янгилик, ғоя ва технология

¹ Oslo Manual. Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data. 3rd Edition // OECD/EC, 2005.

инновация деб тан олиниши мумкинлиги бўйича аниқ бир ҳуқуқий ёндашув йўқ. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан инновацион фаолиятни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда янгилик хусусиятига эга бўлмаган, истиқболсиз илмий фаолият натижаларига асоссиз харажатлар сарф қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда инновацияларнинг турли иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар бўйича илмий таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабдан инновацияларнинг муаллифлик таснифи ишлаб чиқилиб, қуйидаги асослар бўйича инновацияларни тегишли тоифаларга ажратиш таклиф қилинмоқда:

ташаббус манбасига қараб: буюртма инновациялар (инвестор буюртмаси бўйича) ва муаллифлик;

ошкоралик даражаси бўйича: очик ва ёпиқ (конфиденциал) инновациялар (бозорга чиқаётган янги маҳсулот ва ноу-хау);

янгилик миқёси бўйича: локал ва кенг тарқалган инновациялар;

инновациялар яратилган жойлар бўйича: ташкилот ичидаги, тармоқ ичидаги, тармоқлараро, миллий ва давлатлараро инновациялар;

молиялаштириш манбаси бўйича: ўз маблағлари эвазига, қарз (кредит), давлат бюджети, чет эл инвестициялари ҳисобига молиялаштирилган инновациялар.

Инновацияларнинг таснифи муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу инновацияларнинг моҳиятини англашга, уларнинг турларини тизимлаштиришга, уларнинг ҳар бир турига ҳуқуқий баҳо беришга, ҳамда бу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга эҳтиёжни аниқлашга имконият яратади.

Диссертациянинг **«Инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш»** деб номланган иккинчи бобида инновацион фаолият субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми тавсифи ҳамда Ўзбекистонда технопаркларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, фанда юқори технологияларга асосланган инновацион фаолият амалга ошириладиган субъектлар қуйидагиларга ажратилган: эркин иқтисодий зоналар; алоҳида маъмурий-худудий тузилмалар (технополислар); «академиклар шаҳарчалари» кўринишидаги худудлар. Шу билан бирга, мазкур таснифлашнинг илмий асосларига қўшилмаган ҳолда, инновацион фаолият субъектларини бажараётган функцияларга қараб, учта катта гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик: биринчи гуруҳ – олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасалари, марказлари; иккинчи гуруҳ – бизнес-инкубаторлар, технопарклар, техномарказлар, инновацион кичик корхоналар ва ҳоказо; учинчи гуруҳ – давлат (турли жабҳаларда намоён бўлиши мумкин).

Таъкидлаш керакки, концептуал жиҳатдан технопаркларни ташкил этиш иқтисодиётнинг юксак технологияларга асосланган соҳалари ривожланишини жадаллаштириш учун молиявий ва интеллектуал

ресурсларни муайян ҳудуд миқёсида жамлашни таъминлашига асосланади. Технопарклар тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган юридик шахсларни, хусусан, иқтисодийнинг юксак технологияларга асосланган тармоқлари корхоналари; илмий-тадқиқот муассасалари; мазкур субъектларни илмий ва кадрлар жиҳатдан таъминловчи таълим муассасаларини ва фаолияти технологик жиҳатдан ушбу субъектларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тижоратчи ташкилотларнинг бошқа турларини бирлаштиради.

Бундан ташқари, инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мураккаблашиши венчур фирмалари, «старт-ап» ва кичик инновацион фирмаларнинг миллий қонунчиликдаги ўрнини белгилаш тақозо этмоқда.

Шу билан бирга айтиш жоизки, Ўзбекистонда эса «технопарк» тушунчаси «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган бўлсада, биронта қонун ҳужжатида унга ҳуқуқий таъриф берилмаган. Фикримизча, мамлакатимизда технопаркларни ташкил этиш амалиёти ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаган ҳолда давом эттирилиши керак. Янги технопаркларни яратишда, энг аввало, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига таяниш, мақсадга мувофиқдир. Инновацион саноат ишлаб чиқариш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида технопарклар тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозимлиги тақлиф қилинмоқда. Мазкур ҳужжатда технопаркларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳақидаги нормалар акс эттирилиши керак. Хусусан, ҳужжатда олий таълим муассасалари ва/ёки илмий-тадқиқот институтларининг саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари, кичик инновацион корхоналарнинг соддалаштирилган давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, олий таълим муассасалари битирувчиларининг технопарклар корхоналарида иш билан таъминлаш кафолатлари каби муҳим масалалар ўз ечимини топган бўлиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ташкил қилинаётган технопарклар ҳуқуқий ҳолатини белгилашда (ташкилий-ҳуқуқий шакли) ривожланган мамлакатлар тажрибаси инобатга олинмаганлиги ҳамда давлат-хусусий шерикчиликнинг замонавий моделлари танланмаганлиги келажакда мазкур инновацион фаолият субъектларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, «давлат корхонаси» ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият кўрсатаётган технопаркларнинг ҳуқуқий мақоми қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда технопаркларни ривожлантириш бўйича бир қатор қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинсада, уларда технопарк бошқарув органларининг технопарк иштирокчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, диссертант томонидан Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида

инновацион технопаркни ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасига технопаркнинг вазифаларига интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш соҳасида тавсиялар бериш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга кўмаклашиш; инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларни жалб қилишни киритиш таклиф этилди.

Тадқиқот ишининг «**Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш генезиси, инновацион фаолият фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатидаги назарий ва амалий муаммолар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили мазкур соҳада қонуности ҳужжатларнинг устуворлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, ўтган асрнинг 90-йилларда қабул қилинган инновацион фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўпроқ соҳадаги институционал, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларнинг ўрнатилиши билан яққол ажралиб туради. Бу даврда илмий-техникавий ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш учун масъул давлат органлари ташкил этилди, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари айрим солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилди, илмий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди ва ҳоказо. 2000 йиллар бошларидан 2016 йилга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда инновацион фаолиятга эътибор кучайганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, илмий-техникавий ва инновацион фаолият соҳаси учун масъул бўлган давлат органлари қайта ташкил этилди, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини (ИТТКТИ) тижоратлаштириш бўйича иқтисодий, молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий характердаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди. Шу билан бирга, 2016 йил охиридан бошлаб илмий ва инновацион фаолиятни олиб бораётган ходимларнинг меҳнат ҳақини ошириш, соҳага оид давлат бошқарувида институционал қайта ташкил этиш бўйича ишлар тизимли равишда амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керакки, мамлакат илмий ҳамжамиятида ханузгача «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида илмий баҳс-мунозаралар яқунлангани йўқ. Айрим тадқиқотчилар ушбу қонун инновациялар қаторида модернизация жараёнини қамраб олишини таъкидласа¹, бошқалари инновацион фаолиятнинг самарали механизмини ишга тушириш учун Инновацион кодекс зарурлигини эътироф қилмоқда². Ҳозирги пайтда

¹ Оқюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи // Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истикболлари. – Тошкент: Адолат, 2012. – Б. 110.

² Еременко Г.А. Управление государственной интеллектуальной собственностью в сфере науки и технологий: Аналитический обзор. – М.: ВНИИЦ, 2001. – 82-б.

мамлакатда инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни фақатгина «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солиш мумкин деган фикрга қўшилмаган ҳолда, бу борада мавзуга доир ҳуқуқ ижодкорлиги ишлари режасига кўра босқичма-босқич норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар массивини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, назарий манбалар таҳлили бевосита инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишда энг кўп учрайдиган муаммоларнинг фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан тизимлаштирилмаганлигини кўрсатмоқда. Бунда инновацион фаолиятни амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муаммоларни Ўзбекистон цивилистика фани назариясидан келиб чиқиб дифференциацияси амалга оширилиши кераклиги таклиф қилинди. Чунончи, инновациялар иқтисодий ва ижтимоий турмушда тараққиёт манбаи; давлат бошқаруви ва мақсадли таъсир кўрсатиш объекти; инвестиция шакли; тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида йўналиши сифатида ўзига хос реаллик, жараён кўринишида ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, ҳозирда фанда инновацион фаолиятнинг айнан тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши эканлиги ҳақидаги қарашларнинг устувор бўлиши унинг илмий, интеллектуал таркибий элементларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базанинг ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликка оид миллий қонунчилигимизда инновацияларнинг номоддий актив сифатида тан олинмаслигининг сабаби сифатида интеллектуал мулк объектини баҳолашнинг ягона методологиясининг ҳанузгача яратилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Жумладан, «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандартига (13-сон МБМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2371) мувофиқ, «баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда баҳоловчи баҳолашнинг даромад, қиёсий ва харажат ёндашувларидан фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим». Бироқ, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқоридаги баҳолаш ёндашувларининг қўлланилиш объектлари сифатида инновацион фаолиятга оид шартномаларни бажариш юзасидан олинган натижалар алоҳида кўрсатилмаган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан кейин ҳам амалиётда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ўзига хос бир қатор муаммолар, шу жумладан кадр билан боғлиқ, сақланиб қолмоқда.

Шу билан бирга, инновацион фаолиятни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд амалий тусдаги муаммолар таҳлили судлар томонидан қонунни қўллаш амалиётида вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, инновацияларга оид ишларнинг иқтисодий (собик хўжалик) судларда кўриш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, соҳага доир қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштиришда ягона ёндашув мавжуд эмас, қолаверса, айрим судлар томонидан инновацион фаолиятни амалга

оширишнинг асосий ҳуқуқий инструменти бўлган ИТТКТИ пудрати шартномалари бўйича кўрилган ишлар статистикаси олиб борилмайди. Айнан шундай вазият фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳам учрамоқда. Шундан келиб чиқиб, республикада бундай тоифадаги ишлар жуда кам кўриладиганлиги бўлганлиги сабабли судларда етарли даражада амалиёт ва ягона ёндашув шаклланмаган деган хулосага келишимиз мумкин.

Диссертациянинг «**Инновацион фаолият натижаларини жорий қилишнинг ҳуқуқий муаммолари**» деб номланган тўртинчи бобида инновацион фаолият соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни қўллаш, инновацияларни тижоратлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари ҳамда инновацион фаолият натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга хизмат кўрсатувчи шартномалар йиғиндиси ҳам уларнинг йўналишида намоён бўлувчи ички ягоналик билан, ҳам бир қатор омиллар билан белгиланадиган ички тизимнинг мураккаблиги билан тавсифланади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асоси; объектнинг таркибий тузилиши; томонларга қўйиладиган талаблар хусусияти; муқобил тўловнинг мавжудлиги; шаклнинг муайянлиги. Бундай шартномаларни бошқалардан фарқлашнинг асосий мезони сифатида ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асосини белгилаш мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар муомаласига хизмат кўрсатиш шартномаларнинг томонларига қўйиладиган талаблар хусусиятидаги фарқлар бундай шартномаларни универсал ва махсус субъектлар таркибига эга шартномаларга ажратиш имконини беради.

Инновацион фаолият соҳасидаги шартномалар қаторида комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси алоҳида ўринга эга бўлиб, мазкур шартномалар фуқаролик ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан алоҳида субъектлар таркиби билан тавсифланади. Яъни, франшизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ эгаси сифатида фақат тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс фаолият кўрсатиши мумкинлиги инновацияларни тижоратлаштиришда бир қатор имтиёзлар эга бўлиши қонунчиликда акс этмаган.

Ҳуқуқларни бошқа шахсларга ҳақ эвазига ўтказиш шартномаси билан боғлиқ яна бир баҳсли жиҳати сифатида унга нисбатан айирбошлаш шартномаси тўғрисидаги нормаларни муқобил тўлов вазифасини пул маблағлари эмас, балки бошқа турдаги мол-мулк бажарган ҳолда қўллаш имконияти мавжудлигини кўрсатиш мумкин. Бу хусусда мулкий ҳуқуқларни айирбошлаш объектлари доирасидан бутунлай чиқиб кетиш масаласи баҳсли қолмоқда.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларга доир шартномалар муомаласига беғаразлик асосларининг кириб келиши бир қатор омиллар билан белгиланади. Масалан, улар жумласига ижодий натижалар

яратувчиларининг ушбу натижаларнинг кенг тарқалишидан (диффузиясидан) манфаатдорлигини, объектлар маънавий эскириш суръатларининг тезлигини, патент ҳуқуқини амалга ошириш ва патентни кучда сақлаш билан боғлиқ молиявий қийинчиликларни киритиш мумкин.

Шу билан бирга, инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ давлат гранти шартномаларини ўрганиш мазкур шартномалар ижрочилари – илмий муассасалар ва уларнинг ходимлари ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқ нормаларининг татбиқ этилишида ягона илмий асосланган ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Бир қатор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тузилган грант шартномалари ижроси таҳлили 2006–2016 йилларда фундаментал ва амалий илмий-текшириш ишларни бажариш давлат буюртмаси контрактлари (кейинчалик - контрактлар) мазмунан ИТТКТИ шартномаларининг бир кўринишида эканлигини кўрсатмоқда. Чунки, уларнинг предмети бўлиб, илмий-текшириш ишларини амалга ошириш ҳисобланади. Бунда контракт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ФТРМҚ – буюртмачи, лойиҳа раҳбарлари (жисмоний шахслар) – ижрочилар ҳамда ижрочилар меҳнат олиб бораётган ташкилот ўртасида тузилган. Бунда лойиҳада қатнашувчи жисмоний шахслар ва юридик шахс бўлмиш илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасалари ўртасидаги муносабатларда бир қанча қонунни қўллаш бўйича муаммолар мавжуд. Хусусан, ходимлар (лойиҳа раҳбари ва бошқалар) мазкур муассаса билан бир томондан меҳнат шартномаси, бошқа томондан ИТТКТИ бажариш шартномалари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, грант доирасида яратилган интеллектуал мулк объекти бир пайтнинг ўзида ҳам меҳнат шартномаси бўйича хизмат асари ҳисобланади, ҳам ИТТКТИ бажариш шартномаси бўйича эса ҳуқуқий муҳофазага лойиқ объект бўлади.

Шу билан бирга, интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш муаммолари таҳлили республикада инновацияларнинг муомаласининг чекланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлади, ҳамда бу борада қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилиш зарур, деган хулосага келинди.

Таъкидлаш керакки, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хослиги эркин бозор қатнашчилари ўртасидаги муносабатларда ҳақ тўлаш асосларининг устуворлиги билан белгиланади. Бундай устуворлик тенденцияси интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар муомаласида ҳам кузатилмоқда. Шу сабабли, «тижоратлаштириш (коммерциализация)» атамасининг фуқаролик ҳуқуқи фанига кириб келиши бевосита иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, инновацион фаолиятга оид шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар таҳлили янгилик (инновация)ни тижоратлаштиришнинг инновацион фаолиятнинг якуний босқичи эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, инновацион фаолиятнинг биринчи босқичи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида фундаментал тадқиқотларни қамраб олади. Иккинчи

босқичда мазкур муассасаларда таваккалчиликка асосланиб, амалий характердаги илмий тадқиқотлар ўтказилади. Бунда айрим ҳолатларда салбий натижага эришиш хавфи кўп бўлади. Учинчи босқичда одатда йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарнинг ихтисослашган лабораторияларида ёки илмий-ишлаб чиқариш бўлинмаларида тажриба-конструкторлик ва экспериментал ишланмалар яратилади. Сўнгги тўртинчи босқичда тайёр янги инновацион маҳсулотнинг тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли бошланиб, янги маҳсулот бозорга чиқарилади.

Шу ерда таъкидлаш жоизки, инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг айрим ҳуқуқий жиҳатлари ФК 1035-моддасида қисман ўз аксини топган. Хусусан, ФК 1035-моддасига мувофиқ, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, агар ФК ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бироқ, қонунчиликда давлат буюртмасини бажариш шартномаси бўйича яратилган интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўтказишнинг ҳуқуқий механизми ханузгача мавжуд эмас.

Инновацион ишланмаларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат сифатида татбиқ этишга грант маблағлари ажратиш давлат томонидан инновацион фаолият субъектларига сезиларли кўмак бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, бундай ёрдам солиқ ва божхона имтиёзлари, ҳамда фойсиз ссудалар кўринишида бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Албатта, давлат инновацион фаолият субъектларига муайян имтиёзли шарт-шароитлар яратиш бериб, уларга ҳам қатъий талаблар қўйишга ҳақли. Бундай талабларга мисол қилиб, интеллектуал мулк объектларига муҳофаза ҳужжатлари (патентлар, лицензиялар ва ҳоказо), ҳамда мазкур ишланмалардан фойдаланиш хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (сертификат, гувоҳнома ва ҳоказо) тақдим этилиши зарурлигини келтиришимиз мумкин. Бунда давлат ўзи томонидан молиялаштирилган инновацион фаолият натижасининг «ҳуқуқий тозаллиги»ни таъминлашга, ҳамда учинчи шахслар томонидан ишланмага нисбатан гипотетик даъво талабларидан превентив ҳимояга эришади.

Инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришда асосий муаммолардан бири - жалб қилинган маблағларнинг қайтарилмаслиги хавфи бўлиб қолмоқда. Бу борада айрим тадқиқотчилар мазкур хавфни суғурталаш тартибини белгилашни таклиф қилмоқда. Фикримизча, ҳозирги иқтисодий ривожланиш босқичида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари инновацион фаолиятни суғурталашга етарли молиявий ресурсларга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган

манбалардан кўп миқдорда маблағ ажратилишига қарамай, республика илмий-тадқиқот ҳамда олий таълим муассасалари томонидан олиб борилаётган давлат илмий-техника дастурлари натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу ҳолат давлат бюджет ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг муомаласига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шунингдек, республика илмий-тадқиқот муассасалари ўз илмий маҳсулотларининг экспортини амалга оширсада, бунда шуни таъкидлаш керакки, ушбу ташкилотлар ўз интеллектуал мулкига бўлган мутлақ ҳуқуқларни эмас (масалан, патент ёки ҳуқуқларни ўтказиш шартномалари), балки ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотни сотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (ИМА) маълумотларига қараганда, ИМАга 2015 йилда келиб тушган 6839та талабномалардан фақатгина 885 таси саноат мулки объектлари (489 та ихтиро, 211 та саноат намунаси, 185 та фойдали модель), 486 таси ЭХМ учун дастур, 25 таси селекция ютуғига оид бўлиб, қолган 5430 (80%) таси эса товар белгиларини рўйхатга олиши ҳақидаги талабнома ташкил этади. Шунингдек, ИМА томонидан 2015 йилда берилган 651 та муҳофаза ҳужжатлардан 153 та ихтиро, 76 та фойдали модель, 138 та саноат намуналари, 2 та селекция ютуғи патентларига тўғри келди. Бундан ташқари, яратилган саноат мулки объектларини тижоратлаштириш кўрсаткичлари борасида ҳам салбий тенденция кузатилмоқда. Хусусан, 2010-2015 йилларда жами 1273 та рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни сотиш шартномаларидан 1126 таси (88%) товар белгиларига оид бўлса, қолгани саноат мулки объектларига тегишлидир.

Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари (Адлия вазирлиги томонидан 22.03.2004 й. 1329-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари (Адлия вазирлиги томонидан 29.04.2004 й. 1343-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари (Адлия вазирлиги томонидан 20.05.2004 й. 1361-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) кўп ҳажмлилиги ва мураккаблиги ҳамда Патент божлари ва тўловлари ставкаларининг (ВМ 20.04.2006 й. 65-сон қарори) 80 дан ортиқ тури мавжудлиги инновацион фаолият субъектларига патент олиш жараёнида муаммолар вужудга келаётганлиги ҳақида эксперт баҳолари олинди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ривожланиш истикболлари» деб номланган бешинчи бобида инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга оид халқаро тажрибанинг миллий қонунчиликка жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасида

инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ушбу соҳанинг илғор хорижий тажрибасини чуқур ўрганиш ва ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш зарурлиги асосланди.

Хусусан, бугунги кунда АҚШ қонунчилигида технологиялар трансфери ва уларни коммерциализация қилиш тартиб-таомилларини белгилайдиган 20 дан зиёд қонун ва АҚШ президенти актлари бор, фанни ташкил этиш эса кудратли қонунчилик базаси билан таъминланган: илмий соҳа билан боғлиқ муаммолар қарийб 4000 федерал қонун билан тартибга солинади. Уларнинг орасида миллий фан тўғрисида (1950 йил), миллий фан ва технологиялар тўғрисида (1976 йил) ва бошқа базавий қонунлар мавжуд. Бироқ патент ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд прецедентлари айниқса муҳим роль ўйнайди.

АҚШ давлати фанга ажратадиган маблағларни олишнинг асосий ҳуқуқий шакли давлат идоралари хусусий фирмалар билан тузадиган ИТТКТИ бажариш контрактлари ҳисобланади. Ушбу тизим АҚШда пайдо бўлганига юз йилдан фаолият кўрсатмоқда ва унинг ижобий самараси шу билан белгиланадики, у хусусий сектордан ташқари давлат лабораторияларини ва олий ўқув юртларида илм-фанни ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Шунингдек, 1980 йилда қабул қилинган Бай-Доул қонуни (Bayh-Dole Act of 1980) университетлар, нотижорат ташкилотлари ва кичик корхоналарга ҳукуматнинг молиявий мадади билан яратилган ихтироларга мулкдорлик ҳуқуқини берди. Ўша йили Технологик инновациялар тўғрисидаги Стивенсон-Уайдлер қонуни (Stevenson - Wydler Technology Innovation Act of 1980) ҳам қабул қилиниб, ушбу қонунлар давлат ва хусусий секторнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини ривожлантириш учун қулай муҳит яратди. Бу ҳолат АҚШ инновацион фаолият ва сиёсат соҳасида пешқадамлик қилишига сабаб бўлди.

Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш борасида Европа Иттифоқи тажрибаси ҳам жуда долзарблиги таъкидланди. Айниқса, Германия ва Франция ҳуқуқи нормалари, айниқса саноат мулкига оид қонунчилик қисми дунёда илғор тажриба сифатида танилганлиги алоҳида ўрганишга сазоворлиги эътироф қилинди.

